

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 11-dekabr, chorshanba № 98 (15736)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси эртага — 2013 йил 12 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2013 йил 11 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойе-сида рўйхатга олинади.

2014-yil — Sog'lom bola yili

Президентимиз маърузаси бизга янги ғурур бағишлади

Президентимиз Ислон Каримов деярли ҳар бир чиқишида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратади. Юртбошимизнинг мамлакатимиз ўғил-қизларини «менинг фарзандларим» деб аташи биз, ёшларга чексиз ғурур-ифтихор, улкан масъулият бағишлайди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини телевидение орқали эшитиб, матбуотда ўқиб, ана шундай ҳис-туйғулар яна қалбимизда жўш урди. 2014 йил мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилинди.

Маърузада таъкидланганидек, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларга эга, ҳаётга янги қарайдиган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшлар ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустақам ўрин олмақда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Бунинг замирида узоқ йиллик меҳнат, доимий эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин орадан кўп ўтмай, 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ёшларнинг қобилияти, интилиши ва ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини намоён этиш мақсадида ёшлар ташкилотлари, жамғармалар ташкил қилинган. Турли танловлар, стипендиялар жорий этилган. Бундай изчил ишларнинг барчаси эзгу мақсадга — мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган. Бунинг учун биз, ёшлар давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдоримиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда замонавий тиббиёт тизими шакллантирилди. Шошилини тиббий ёрдам тармоғи, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилди, минглаб қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, замонавий тиббиёт таълим муассасалари фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган умуммиллий дастур тиббиёт оламида юксак обрў-эътиборга эга хорижий олимлар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни воёга етказишда спортнинг ўрни нақадар катта эканини ушбу соҳага қаратилаётган эътибор самаралари яққол кўрсатиб турибди. Бугун тенгдошларимиз кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботламоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, XXI асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада ғолиб бўла олади. Бу даврда моддий бойликлар эмас, кучли билим ва мустақам иродага эга, ҳар томонлама баркамол авлодлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ҳар бир болага меҳр-эътибор кўрсатилиб, унинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши, замонавий билим олиши ва жисмонан чиниқиши учун барча шароитлар яратилаётгани замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадларга эришиш орзуси мужассамдир.

Муҳаммад ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Тошкент Тиббиёт академиясининг иккинчи курс талабаси

Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз.

Ислон Каримов



Болаларга шодлик улашиб

Андижон шаҳридаги «Камолот» ёшлар боғида Бош Қомусимизнинг 21 йиллигига бағишлаб «Конституция — бахтимиз пойдевори» шиори остида катта теннис бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

Мусобақа Андижон вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

вилоят кенгаши, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳам-

«Kamolot» loyihalari

корлигида ташкил этилди. Мусобақанинг очилиш маросими «Камолот» ёшлар боғида бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳамда санъатсевар жажжи ўғил-қизларнинг куй-қўшиқларидан ташкил топган концерт дастури намойиш этилди. Шу куни боғдаги барча аттракционлар болаларга бепул хизмат кўрсатди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ

Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида Олмазор тумани ёшлари ва туман ҳокими иштирокида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди.

Учрашувда туман ҳокими Обиджон Зайниддинов ёшлар билан мулоқотда бўлиб, туманда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, ёшларга яратиб берилаётган шароитлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга туман ҳокимидан жавоб олишди. Очiq мулоқот тарзида ўтган учрашув сўнггида Олмазор тумани ҳокими Обиджон Зайниддинов бир гуруҳ фаол ва иқтидорли ёшларни Олмазор тумани ҳокимлиги фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирлади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Ҳаракатнинг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими «Ҳуқуқий саводхонлик — фаровон келажак кафолати» мавзусида давра суҳбатини ўтказди.

Унда Самарқанд давлат университети талабалари, вилоят адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси ҳамда вилоят адвокатлар уюшмаси вакиллари қатнашди. Тадбир давомида Конституциямизнинг қабул қилиниш жараёнлари, киритилган ўзгаришлар ва унинг мамлакатимиз тараққиётидаги аҳамияти ҳақида иштирокчиларга атрофлича маълумотлар берилди.

Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтаришди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Вилоят кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатида «Қалбимиз кўеши зиё тарқатар!» шиори остида байрам тадбири ташкил этилди.

Жиззах вилояти «Камалак» болалар ташкилоти, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда мактаб-интернат ўқувчиларининг сахна кўринишлари, шеър, кўшиқ ва лапарлари барчада қизиқиш уйғотди. Тадбир давомида «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари ўқувчилар ўртасида турли хил интерфаол ўйинлар ҳамда мусобақалар ўтказди.

Тадбирларда ёшлар янада фаол

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги тарғибот тадбирлари Тошкент вилоятида ҳам бўлиб ўтмоқда.

«Тенгдош тенгдошга» усули асосида олиб борилаётган тарғибот лойиҳасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчилари, Тошкент давлат педагогика университети талабалари ҳамда жойлардаги адлия ва прокуратура органлари ходимларидан иборат тарғибот гуруҳлари вилоятнинг барча ҳудудларида, айниқса, чегара туманларида бўлиб, ёшлар ўртасида Конституция мазмун-моҳиятини, унинг мамлакат ва халқимиз ҳаётидаги ўрнини очиб берувчи давра суҳбатлари ва учрашув ташкил этмоқда. Шу кунга қадар лойиҳа доирасида қирқдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилиб, унда беш минг нафарга яқин ёш иштирок этди.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари-

да «Конституция ҳафталиклари»ни самарали ташкил этиш мақсадида Ҳаракатнинг вилоят кенгаши бошланғич ташкилотлар етакчиларини «Конституцияда ёшлар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари ва Конституция», «Ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари» каби услубий қўлланма ва тарғибот воситалари билан таъминлади.

«Конституция — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларининг муҳим пойдевори» шиори остида вилоятдаги тарихий қадамжолар ва мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар бўйлаб талаба-ўқувчиларнинг саёҳатлари ташкил этилаётгани уларда шу юртда туғилгани ва яшаётганидан ифтихор ҳиссини уйғотмоқда.

Лойиҳа доирасидаги яна



бир тадбир — «Ҳоким ва ёшлар» учрашувлари ёшлар томонидан алоҳида қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Бундай учрашувлар ёшларга ўзлари яшаётган ҳудуддаги мавжуд муаммолар, эришаётган ютуқлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида эркин фикр билдириш имконини бермоқда.

Вилоят ёшлари ҳуқуқий танловларда ҳам фаол иштирок этапти. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палата-

си томонидан Конституциямизнинг 21 йиллиги муносабати билан ёшлар ўртасида ўтказилган «Парламентаризм билимдони» он-лайн танловида Қибрай саннат коллежи ўқувчиси Мафтуна Холмўминова ва Олмалик шаҳридаги «Jurabek Laboratory» корхонаси химик-аналитиги Равшан Ўринбоевнинг ғолиб бўлгани бизни беҳад қувонтирди.

Оллакул ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши раиси

Учрашув, акция ва танловлар



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати!» тарғибот лойиҳаси Фарғона вилоятида давом этмоқда.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида Конституциямизнинг жамият ҳаётидаги беқиёс ўрни ва аҳамияти, мақсад ва моҳиятига бағишланган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этиляпти. Жумладан, Ҳаракатнинг вилоят кенгаши Фарғона шаҳридаги «Тожмаҳал» мажмуасида олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари иштирокида «Юксак маънавиятли ёшлар — Ватан таянчи!» шиори остида ёшлар анжумани, вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида расмлар танлови, «Рамзимиз — фахримиз» акцияси, «Конституция билимдони» ин-

теллектуал ўйини, «Мен сайловга тайёрман» лойиҳасини амалга оширди. Шунингдек, Риштон педагогика ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида республика ёшлар тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида давра суҳбати, Қўштепа туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳамда Қўштепа иқтисодиёт касб-хунар коллежида «Бахтли болалик» лойиҳаси доирасида болаларнинг тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси, «Сардор — 2013» ва «Камалак» билимдонлари» кўрик-танловлари, «Болалар

ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида» лойиҳаси ташкил этилди. Тошлоқ иқтисодиёт касб-хунар коллежида, Фарғона туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактабида, Фарғона компьютер технологиялари, тиббиёт ҳамда агросаноат касб-хунар коллежларида «Аждодларга муносиб ворис бўлайлик» шиори остида бўлиб ўтган ёшлар фестивали ҳам фарғоналик ёшлар қалбига байрам шуқуҳини улашди.

Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари ўтказган кенг қамровли тарғибот тадбирларидан яна бири — «Юрт қахрамонлари — ёшлар даврасида» лойиҳаси Ёзёвон ва Бешариқ туманларида амалга оширилди. Қувасойда эса «Конституция — бахтимиз қомуси» лойиҳаси доирасида Ватан мадҳига бағишланган ёш ҳавасдор кўшиқчилар танлови, «Камолот» ёшлар боғида «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирокидаги «Тақдимот — 2013» лойиҳаси ҳам қутлуғ байрам арафасида ўзига хос мазмун касб этди.

Ташкил этилган лойиҳа, акция ва танловлар орқали ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, ёш авлодни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, десак, адашмаймиз. Бир сўз билан айтганда, бундай тадбирларда қатнашган ҳар бир иштирокчи Бош Қомусимиз ғояларини қалбига янада чуқурроқ сингдириб олди.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА, Алишер АНВАРОВ, «Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши етакчи мутахассислари

Ёшликнинг юксак парвози

Авиация ҳақида у болаликдан орзу қилган. 4-синфдаёқ қарори қатъий эди — мен учувчи бўламан, дерди дадиллик билан. 23 ёшида Рустамжон Бўрибоевнинг орзуси рўёбга чиқди. Ҳозир тенгдошимиз замонавий «Боинг» ҳаво кемасида мустақил парвозларни бажармоқда.

— Мақсадга эришиш йўлида фақат орзу билан чекланиш камлик қилади, — дейди Рустам. — Орзуинг рўёбга чиқиши учун сен бор куч ва салоҳиятигини ишга солиб, машаққатли меҳнат қилишга тайёр турмоғинг керак. Учувчи бўлишга қарор қилганимда мен танлаган касбим нақадар масъулиятли эканини теран англаганман. Ўз навбатида, бу касбни эгаллаш осон бўлмаслигини ҳам яхши тушунардим. Бироқ мени ҳеч нарса танлаган йўлимдан қайтара олмасди. Имтиҳонларга қаттиқ тайёрланиб, Санкт-Петербург давлат фуқаро авиацияси университетига ўқишга кирдим. Утган йили университетни тамомлаб, Ватанимга қайтдим. Чунки мен шу ерда — ўзим туғилиб-ўсган мустақил Ўзбекистонда яшаб, юртим равнақи йўлида хизмат қилишни бурчим деб ҳисоблайман.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясида Рустамжон Бўрибоев икки йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бироқ биринчи мустақил парвозини шу йилнинг баҳорида амалга оширди. Ёш бўлишига қарамай, унга авиакомпания паркидаги энг замонавий ҳаво кемаларидан бири — «Боинг» авиалайнерини иккинчи учувчи сифатида бошқариш ишониб топширилган. Бундай ишончга у ўз-ўзидан эришгани йўқ, албатта.

Дастлаб янги турдаги ҳаво кемаларини ўзлаштириш дастури бўйича Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида қайта тайёрлаш курсларида ўқиб қайтди. Шунингдек, Буюк Британия ва Германияда ўз малакасини оширди. Қаҳрамонимизнинг сўзларига қараганда, учувчилар учун бундай ўқувлар мунтазам равишда ташкил қилинади. Бу ўзбекистонлик мутахассисларга янги русумдаги авиалайнерларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириш имконини бермоқда.

Рустам Бўрибоев инглиз тилида бемалол сўзлашади. Мазкур тилни, ҳатто БМТнинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) талаблари асосида ўзлаштирган. Рустам халқаро йўналишларда парвоз этишини ҳисобга олсак, хорижий тилларни билиш унга касбида сув ва ҳаводек зарур.

— Бир ойда ўн-ўн бештагача парвозни амалга оширамыз, — давом этади суҳбатдошимиз. — Ҳар сафар навбатдаги парвозга шайланганимда Ватаним олдидаги бурч ҳақида ўйлайман. Чунки мен бошқараётган самолёт, ундаги барча йўловчиларнинг ўз манзилларига эсон-омон етиб олишларига масъул бўламан. Бундай улкан масъулиятни доимо ҳис қилиб туришинг керак. Акс ҳолда, профессионал учувчи номига муносиб бўлиш қийин!



Қатъият, довураклик ва Ватанга муҳаббат Рустам Бўрибоев феъл-атворидаги энг ёрқин жиҳатлардир. У зиммасига юклатилган вазифани астойдил бажаришга одатланган. Шунинг учун бўлса керак, ҳамкасблари орасида алоҳида ҳурмат-эътиборга эга.

Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрда қабул қилинган Фармонида биноан Рустам Бўрибоев «Шухрат» медали билан тақдирланди. Бу мукофот қаҳрамонимиз учун қанчалик қутилмаган бўлса, шунчалик қадрли эканини унинг самимий нигоҳлари тасдиқлаб туради.

— Биласизми, Ўзбекистонимиз учун доимо муносиб фарзанд бўлишга интиламан, — дейди у. — Чунки Ватаним олдида қарздорман. У менга тинчлик ва фаровон ҳаётни бахш этди, ўқиб-изланиб, чуқур билим олишим ва камол топишим учун имкониятлар берди. Мана энди менга юксак ишонч намунаси сифатида «Шухрат» медали ҳам топширилди. Бундай эътибордан ўзимни чинакам бахти-

Davlat mukofoti sohiblari

Hududlardan mujdalar

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Фарғона ўлкашунослик музейида «Конституция — менинг тасаввуримда» мавзуида расмлар танлови бўлиб ўтди.

Ҳаракатнинг Фарғона вилояти кенгаши ўтказган мазкур танловда вилоятдаги умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар иштирок этди. Ёш ижодкорларнинг ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Якуний натижаларга кўра, Бағдод туманидаги 37-мактаб ўқувчиси Моҳигул Тошпўлатова, Фарғона санъат коллежи ўқувчиси Муштарий Курбонова, Фарғона шаҳридаги 23-«Баркамол авлод» болалар маркази ўқувчиси Беҳзод Турсунбоев, Фарғона шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Хурсаной Тўйчибоева, Қўқон педагогика институти талабаси Алимардон Абдуллаевнинг ижодий ишлари 1-ўринга муносиб деб топилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Кумкўргон туманидаги 48-мактабда «Инсон — азиз, хотира — муқаддас» мавзуида хотира кечаси ташкил этилди.

Ҳаракатнинг мактабдаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган ушбу кеча моҳир педагог, меҳрибон устоз, мактабнинг биринчи раҳбари Бахтиёр Норбоев хотирасига бағишланди. Унда устознинг оила аъзолари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари иштирок этди. Мактабда хотира бурчаги ҳам ташкил этилди. Шунингдек, 48-, 19-, 52-мактаб ўқувчилари ўртасида математика фанидан билимлар беллашуви ҳамда шахмат, шашка, футбол бўйича мусобақа ўтказилди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ҳаракатнинг Сайхунбод тумани кенгаши «Конституциямиз — бахтимиз комуси» шиори остида заковат интеллектуал ўйини ўтказди.

Интеллектуал ўйинда тумандаги 4-мактабнинг «Адолат-2» жамоаси, 6-мактабнинг «Адолат-1» жамоаси, 25-мактабнинг «Қонун устуворлиги» жамоаси, 35-мактабнинг «Ёш ҳуқуқшунослар» жамоаси уч шарт асосида ўзаро беллашди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилган шартлар сўнгиде жамоа сардорлари ўнта саволга жавоб берди.

Умумий баллар натижасига кўра, «Адолат-1» жамоаси 46 балл тўплаб биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринни «Адолат-2» жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи ўринни «Ёш ҳуқуқшунослар» жамоаси банд этди.

Нафосат маликалари беллашуви

Қарши шаҳридаги вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадий гимнастика бўйича «Камолот» гунчалари — 2013» мусобақаси бўлиб ўтди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мусобақада етмиш нафардан ортиқ спортчи киз иштирок этди.

Беллашувлар натижасида Севинч Бозорова, Рахшона Давлатова, Захро Абдуҳамидова, Мадина Мухторова, Садоқат Одилова, Азиза Мирзаева, Сабина Самиева, Сабрина Раҳимбердиева, Севинчбону Омонова, Севинч Шамсиева, Мусаннад Гайбуллаева, Гўзал Зулфиқорова, Сабина Нажмиддинова, Барно Тошпўлатова, Нигина Собиржонова, Дилмира Ашурова ғолиб бўлди. Ғолиб ва фаол иштирокчилар диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳодир ЮСУПОВ,
«Камолот» ЁИҲ Қашқадарё вилояти кенгаши
матбуот хизмати етакчи мутахассиси



«Kamolot» sadosi



«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» НИШОНДОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида «Камолот» ЁИХ МК қарори билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган 27 нафар тенгдошимизга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонлари топширилди. Қуйида тақдирланган тенгдошларимиз самимий кўнгил кечинмаларини сиз билан ўртоқлашади.



Бахтинур Худанов,
Тошкент тиббиёт академияси болалар стоматологияси кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндори:

— «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига лойиқ деб топилганимдан беҳад хурсандман. Бу нафақат менга, балки менга таълим берган, йўл-йўриқ кўрсатган устозларим хизматига ҳам берилган мукофотдир.

Республикаимизда ёшларнинг ўз иқтидорларини намоеън этишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бизнинг вазифамиз эса ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, Ватанимиз шон-шухратини, обрўсини дунё давлатлари орасида янада оширишга хизмат қилишдир.

Болалигимдан шифокорликка қизиқаман. Кейинчалик информатикага ҳам меҳр қўйдим. Талабалик давримда бу икки соҳани бирлаштирган ҳолда илк илмий тадқиқотларимни олиб бордим. Ҳамкасларим билан бирга кариес ва унинг асоратларини ташхислаш бўйича «Easy Diagnose» компьютер дастурини, «Болалар терапевтик стоматологияси» ўқув дарслигини, «Эндодонтия асослари» электрон дарслигини яратдик. Кейинчалик ўзбек тилида тиббиёт институтлари талабалари учун «Одам анатомияси» фанидан биринчи электрон дарслик ва «Электрон касаллик тарихи» компьютер дастурини ишлаб чиқишда иштирок этдим.

Шу йиллар мобайнида бир қанча давлатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Англияда малака ошириб, халқаро семинар ва конгрессларда ўз маърузаларим билан иштирок этдим. Дунё тиббиёти ютуқларини ўрганиб, мутахассислигим бўйича тажрибамни ошириш имконига эга бўлдим.

Бу муваффақиятларимни мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг, ёшларни рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг меваси, деб биламан.

Орзу-ниятларим кўп. Авваламбор, тиббиёт соҳасида чуқур билим ва тажрибага эга бўлиб, етук стоматолог олим бўлмоқчиман. Жаҳонга ўзбек ёшларининг салоҳиятини намоеън этишни мақсад қилганман. Чунки дунё ёшларидан бизнинг кам жойимиз йўқ. Илмда ҳам, куч-қувватда ҳам, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида ҳам ўзига хос салоҳиятга эгамиз.



Сакина Муҳаммаджонова,
Миллий рассомлик ва дизайн институти катта илмий ходим-изланувчиси, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндори:

— Мен санъат кишиси эканимдан фахрланаман. Чунки бугун мамлакатимизда барча соҳалар каби санъат ва маданият ривожини учун ҳам кенг йўللари очилган. Менинг, ёш бир қизнинг шундай юксак мукофот билан тақдирланишим ҳам ана шу ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Шу эътибор туфайли болалигимдан пойтахтимизда «График олам», «Ғоялар денгизи» деб номланган шахсий кўргазмаларим ташкил этилди. Греция, Миср, Россия, Бельгия каби қатор мамлакатларда ўтказилган халқаро кўрик-танловларда бир неча бор ғолиб бўлдим. Чунончи, Ҳиндистонда ўтказилган «Шанкар» халқаро болалар кўрик-танловида кумуш медални қўлга киритдим.

«Марказий Осиёда дизайнни ривожлантириш истиқболлари», «Замонавий шаҳарсозликда архитектура ёдгорликларининг ўрни» каби талабаларнинг халқаро илмий анжуманларида маърузаларим билан қатнашдим. Чет эллик тенгдошларим билан суҳбатлашиш асносида уларга миллий ранг-тасвир санъатимиз, Шарқ миниатюра мактаби асосчиси, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод бизнинг заминимиздан етишиб чиққани ҳақида гапириб бердим. Улар сўзларимни катта қизиқиш билан тинглашди.

Ўқишдаги ютуқларим, интилишларим инobatта олиниб, аввал Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига, кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлганим ҳаётимдаги қувончли воқеалардан бири бўлди. Чунки бу стипендия Юртбошимиз томонидан талабаларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга қаратилгани билан мен учун алоҳида қадрлидир.

Ҳар гал Ватанимиз манзараларини қоғозда акс эттириш учун қўлга қалам олганимда юрагимдан катта ҳислар ўтади. Буни нечоғли удалай оламан, деган масъулият ҳисси мени ўйлантиради. Чунки юртимизнинг ҳар бир гиёҳида бекиёс гўзаллик, табиат мўъжизаси мужассам.

Дилимда орзу-мақсадларим кўп. Шулардан бири Ватанимизнинг бадий тимсолини, бунёдкор давримизнинг бадий солномасини яратишдир. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони эса мени ана шундай эзгу мақсад йўлида янада ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишга руҳлантиради.



Шерзоджон Полвонов,
«Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндори:

— Юртимиздаги кўплаб иқтидорли, ташаббускор, фаол тенгдошларим қатори «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланишим ҳаётимдаги муҳим воқеа бўлди.

«Камолот» сафига қўшилганимдан буён мазмунсиз, беҳуда ўтган кунимни эслаш олмайман. Вақтимиз қизгин ўтади: фаол, ғайратли ёшлар қизиқарли ғоялари билан ўртоқлашади. Бу ғояларни амалга ошириш йўлларини муҳокама қиламиз, фикрлар билан бойитамиз. Бунинг нечоғли мароқли машғулот эканини фақат шу муҳитдаги кишигина яхши билади.

Юртимизда биз, ёшларга қаратилаётган эътиборни бошқа жойда учратмайсиз. Ҳар бир фарзандининг жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароит яратиб бераётган Ватанимиз билан ҳар қанча фахрлансак, камлик қилади.

Вилоятимиздаги ёшларнинг соғлом турмуш талаблари асосида камолга етишлари йўлида бир қатор ишларни амалга оширяпмиз. Чунончи, ИИБ профилактик ҳисобида турувчи ҳар бир вояга етмаганга «Камолот» сардорларини бириктириш лойиҳамиз самарали кечмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, 2011 йилда уч нафар, 2012 йилда эса йигирма олти нафар ўсмир шаҳар ИИБ профилактик ҳисобидан чиқарилди.

Яна амалга оширган салмоқли ишларимиздан: ўтган йили «Юртимни обод этаман» лойиҳаси доирасида беш юз тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатини ўтқазиб, Фарғона шаҳрида янги боғ барпо этдик.

Шу кунгача эришган барча муваффақиятларим замирида Президентимизнинг биз, ёшларга қаратаётган юксак эътибори мужассам. Шу туфайли бугун биз дунё ёшларидан кам бўлмай, ортда қолмай камолга етяпмиз. Қайси соҳани қараманг, барчасида иқтидорли ёшлар фидокорона меҳнат қилаётганига, Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан изланаётганига гувоҳ бўласиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки юртимиздаги имкониятлар, барча соҳалар ривожини учун қулай ва самарали муҳит, муносиб рағбат ҳар бир тенгдошимизни янги-янги марраларни забт этишга ундайди.



Нафиса Мўминова —

ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги арафасида — 2013 йил 3 декабрда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, унга кўра шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Нафиса Мўминова «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланди. Айтиш керакки, бу фақатгина йигирма уч яшар ўзбек қизининг эришган ютуқлари учун берилган юксак мукофот эмас, у бугунги ўзбек қизларига бўлган эътибор, аёллар спортига билдирилган улкан рағбатнинг ўзига хос тимсоли ҳамдир.

Нафиса Мўминова бугунги Ўзбекистон ёшларининг, ўзбек қизларининг фахри. У қизларимиз орасида биринчи халқаро гроссмейстер, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини улуғлаб келаётган маҳоратли спортчигина эмас, авваламбор, тенгдошлари, издош ука-сингилларига ўрناق, улар қалбидаги ватанпарварлик ва бошқа эзгу туйғуларнинг камол топишига ҳисса қўшаётган илғор ёшлар вакили, чиндан ҳам, юрт ифтихоридир.

1990 йили Фарғона вилоятининг Ўзбекистон тумани Қумбосди қишлоғида туғилган Нафиса тўрт ёшидан шахмат билан шуғуллана бошлаган. Болалигидан жиддий машғулотга киришган қизалоқ ҳаётга ҳам жиддий қарайдиган, мулоҳазали бўлиб ўсди. Зиёлилар оила-сида камол топгани ҳам унинг кейинги ҳаётида муҳим ўрин тутгани шубҳасиз, албатта. Бироқ ундаги кўпгина фазилатларнинг шаклланишида бувиси Фарида Қўшоқованинг ўрни алоҳида бўлди. Нафиса — бувисининг қизи. Бу ўзини тутиши, вазминлиги, мураккаб вазиятларда ҳам ўзини йўқотмасдан муаммонни оқилона ҳал этишга, энг тўғри йўлни топишга интилишида сезилиб туради — шахматда ҳам, ҳаётда ҳам. «Ўйиннинг энг мураккаб жойида бувимни эсламан. Шунда кучимга куч қўшилади», — дейди у.

Фарида Қўшоқова, бувиси:

— 1990 йили Нафиса туғилди. Кейинги йили Хулқар. Отанаеси ҳали ёш. Қийналиб қолишмасин, деб Нафисага ўзим қарай бошладим. «Ўригидан данаги ширин» деганларидек, уни бор меҳрим билан парваришладим.

Алишер Мўминов, отаси:

— Отам ҳам, онам ҳам ўқитувчи бўлишган. Отам кимёдан, онам она тили ва

адабиётдан дарс берган. Болалигимда эрталаб мактабга кетаётганимда, ҳар сафар отам: «Кимнинг ўғлисан?» деб сўрарди. Мен ҳам болаларимдан: «Мактабга нега бораясан?» деб сўрайдиган бўлдим. Одамнинг аниқ мақсади бўлиши керак. Ён дафтаримга шундай ёзиб қўйганман: «Яхши орзу қилиб юрсанг, бир кун, албатта, мақсадингга эришасан». Ота-она фарзандларига, энг аввало, орзу қилишни, кейин мақсадларига эришиш учун меҳнат қилиш кераклигини ўргатиши, миясига синдириши зарур. Болага «шуни қил», дейиш керак эмас, амалда кўрсатиш керак, биргаликда бажариш лозим.

Мен ҳарбий хизматда пайтим, 20 ёшимда шахмат бўйича 1-разрядга эга бўлганман. Бугун болаларим мактабда ўқиб юрган пайтиёқ Ўзбекистон чемпиони бўлмоқда. Бу, албатта, мустақиллик шарофатидан. Тил ўрганиш, янги технологияларни ўзлаштириш — замон билан ҳамқадам юриш шarti, десак, мен фарзандларимга бу етарли эмас, замондан бир қадам олдинда юринглар, дейман. Бунинг учун инсон ижодкор бўлиши керак.

Ҳа, ҳар қанча тақдорланса ҳам эскирмайдиган ҳақиқат бу: инсон камолотида оиладаги муҳит, ота-она эътибори, яқинларнинг меҳри беқиёс қимматга эга. Нафиса Мўминованинг номдор шахматчи бўлиб етишишида ҳам оиласидаги муҳит

муҳим аҳамият касб этди.

— Ота-она фарзандларига кўпроқ вақт ажратиши керак, — дейди Фарида Қўшоқова. — Болангиз, энг аввало, меҳрингизга қонсин. Алишер фарзандларини «дўстларим», дейди. У ўғлига, қизларига фақат шахматни эмас, мумтоз ашуларимизни эшитишни, классик адабиётимизни ўқишни, уларнинг энг нозик, дақиқ жойларини ҳис қилишни ҳам ўргатади. Узиям яхшигина ашула айтади.

Истеъодли одамларга хос бир хислат уларнинг серқирра бўлишидир. Мусобақаларда ёки телеэкранда кўрганингизда жиддий, бор диққатини шахмат тахтасига қаратган бу қизнинг санъатга ошуфталиги ҳақида ўйламайсиз. Кимдир айтса, ҳайратланишингиз ҳам мумкин. Лекин бу рост.

— Йигирма уч ёшимда давлатимизнинг юксак мукофоти-га сазовор бўлман, деб ўйламагандим, — дейди «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳибаси Нафиса Мўминова. — Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, эътибори туйғайли халқаро гроссмейстер бўлдим, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилаяпман. Келгусида юксак ғалабаларга эришиб, Президентимизнинг, халқимизнинг билдирган ишончини, албатта, оқлашга ҳаракат қиламан.

Нафиса Мўминова ҳамиша изланишда. Ундаги интилиш, келажакка ишонч, шижоат туйғуларини кўриб, унинг тимсолида ўзбек шахматининг нурли келажагини кўрасиз. Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас. Буни биринчи халқаро гроссмейстер қизимизнинг шу кунга қадар эришган натижалари ҳам айтиб турибди.

Турсуной Усмонова, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 45-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Нафисанинг биринчи муаллими:

— Нафисахон Мўминова халқаро гроссмейстер бўлганида бир қувонган бўлсам, Юртбошимизнинг мамлакатимиздаги бир гуруҳ иқтидорли ёшларни, улар орасида менинг ҳам ўқувчим, шогирдим Нафисахонни мукофотлаганларини эшитиб, бу қувончим икки ҳисса бўлди. Қўлига илк бор қалам тутиб, ҳарф ўргатган, ўқиш, таълим олиш иштиёқини уйғотган биринчи муаллими эканимдан фахрлиман кетдим. Менимча, бу хушхабарни эшитган юртимиздаги ҳар бир она худди Нафисахоннинг онасидек севинган, ҳар бир ўқитувчи мен каби фахрланган. Ёшларимизга шундай эътибор қаратаётган Президентимиздан миннатдор бўлишимиз керак.

Эсимда, 1996 йили Қўқон давлат педагогика институтини битириб мактабга ишга келганимда, дастлаб 4-синфни беришди. Кейинги йили эса мактабга энди келган 1-синф болаларини қабул қилиб олдим. Улар орасида Нафисахон ҳам

бор эди. У ҳамиша кўзлари ёниб турарди. Ҳамма фандан фақат беш баҳога ўқиган. Ўзим сабоқ берганда ҳам, кейинчалик ҳам Нафисахоннинг дарс қилмай келганини кўрмадим, эшитмадим, у барча устозларини ҳурмат қилар, дарсларни пухта ўзлаштиради. Унинг машҳур шахматчи бўлиб кетишини билмасдим-у, қайси соҳада бўлмасин, юртга нафи тегадиган етук инсон бўлишни кўнглим сезарди. У юзимизни ёруғ қилганидан бошим осмонда.

Бир нарсани мен ўқувчиларимга таъкидлаб келаман. Биз мактабда ўқиган кезларда бугунги шароитлар тушга ҳам кирмаган. Орзу ҳам қилмасдик, чунки бунга кўзимиз етмасдик. Ҳозирги спорт иншоотлари, мактаблар, стадионлар қани! Спорт билан шуғулланиш уёқда турсин, бу ҳақда тузукроқ ўйлашга вақтимиз бўлмасди. Бугун эса, имкониятлардан унумли фойдаланган ёшларимиз жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Интилан, ўз устида ишлаган ёшлар, албатта, ўз мақсадларига эришадилар. Бунга Нафисахон яққол мисол.

Асрор Мўмин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

— 1991 йили шахмат бўйича аёллар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатини кузатиб, шахматчилар ичида бирорта ҳам ўзбек қизи йўқлигидан ҳайрон қолгандим. Бугун эса юртимизда минг-минглаб қизлар спорт билан, жумладан, шахмат билан профессионал тарзда шуғулланапти. Халқаро тоифадаги спорт устаси Юлдуз Ҳамроқуллова, Осиё ва жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Хулқар Тоҳиржонова, Сарвиноз Қурбонбоева, Гулрухбеги Тоҳиржонова сингари кўплаган қизларимизни мисол келтириш мумкин. Нафиса Мўминова эса қизларимиз ичида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер бўлди! Уйлайманки, сеҳну заковатда ҳеч бир мамлакат аёлларидан қолишмайдиган ўзбек қизи учун бу охириги марра эмас. Ишонаман, яқин келажақда ўзбек қизи шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлади. Бунинг учун мамлакатимизда мустаҳкам спорт базаси бор, қизлар спортига берилаётган эътиборни ҳам қаранг. Энди бу шароит ва имкониятларга қизларимиз нуфузли мусобақалардаги ғалабалари билан жавоб беришади, албатта.

Олтин тўн:

КИМНИНГ ИМКОНИЯТИ ҚАНДАЙ?

«Turkiston» варианты

*Йил якунланаётган палла сарҳисобларга бой бўлади.
Жумладан, футболда ҳам энг яхшилар аниқланади.*

Ўзбекистон футбол федерацияси мамлакатимизнинг энг яхши футболчисини аниқлаш мақсадида журналистлар ўртасида сўров ўтказди. Овозлар 5 декабрга қадар қабул қилинган ва яқин орада унинг натижалари эълон қилинади. Жаҳоннинг энг кучли футболчиси ким, деган саволга эса келаси йилнинг 13 январида жавоб оламиз. ФИФАга аъзо мамлакатлар футбол уюшмалари матбуот котиблари, терма жамоалар бош мураббийлари, сардорлари йилнинг энг яхши ўйинчиларига 29 ноябрга қадар овоз бердилар.

Гарчи натижалар ҳали эълон қилинмаган бўлса-да, бугун бутун дунёда бу йилги «Олтин тўп» совринига ким ҳақли экани борасида турфа фикрлар билдириляпти. Бизнингча, жаҳоннинг энг яхши ўйинчиси аниқлаб келинаётган 1991 йилдан бери бу каби кўп фикр ва мулоҳазалар билдирилмаган бўлса керак. Фикр билдираётганлар орасида ҳеч қачон «Олтин тўп» ёки йил футболчисига 2009 йилга қадар тақдим этиб келинган (2010 йилдан бошлаб ФИФА йил ўйинчисига аввалгидек «Бриллиант тўп» эмас, «Олтин тўп» топшириб келади) «Бриллиант тўп»ни қўлга киритмаган бўлса-да, футбол қироли, дея эътироф этилган 73 ёшли Пеле бободан тортиб, мактабда ўқийдиган етти-саккиз яшар мухлислагача бор. Интернет ёки газеталарда берилаётган фикрларни ўқиб баъзан ёқа ҳам ушлайсан, шу «Олтин тўп»ни ким олишининг сиз билан бизга нима аҳамияти бор? Бироқ воқелик ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Биз қуйида йил футболчиси бўлишга даъвогар бўлиб турган футболчиларнинг имконияти борасида мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА

Асосий жамоамизнинг 2013 йилги натижалари жуда ҳам ёрқин бўлгани йўқ. Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларидаги омадсизлик билан Осиё чемпионати саралаш ўйинларидаги қониқарли иштирок кайфиятга икки хил

таъсир қилди. Кимларгадир китъа чемпионатида йўл олиш катта натижа бўлиб кўринмаслиги мумкин, лекин ўшалар бир ўйлаб кўрсалар яхши бўларди: Иорданияга қарши ўйинлардан кейин футболчиларимизнинг муҳим ғалабаларга эришгани олқишга муносиб эмасми? Тушқун ҳолатдан сўнг сафарда, тагин чемпионатга чиқиш-чиқолмаслик сўроқ бўлиб қолган қалтис вазиятда эришилган ютуқларнинг қадри нега баланд бўлмаслиги керак?..

Мухлисларга турфа кайфият улашган ўйинларда ҳам барқарорлигини йўқотмаган футболчилар бор. Биз даъвогарлар ҳақидаги фикрларимизда шу омилга эътибор қаратдик.

БИРИНЧИ ДАЪВОГАР — ВИТАЛИЙ ДЕНИСОВ

Устун жиҳатлари: Жисмонан бақувват, яққаурашларда енгилмас, ён чизикдан тўпни ташлаб беришда беназир. (Айрим футболчиларнинг оёқ билан тепган тўпидан кўра Денисовнинг қўл билан ошириб берган тўпни манзилга аниқроқ етиб боради). Ҳам терма жамоада, ҳам клубда («Локомотив» — Москва) асосий таркиб ўйинчиси.

XX аср ўзбек футболининг ёрқин намояндalarидан бири Геннадий Денисовнинг ўғли Виталий терма жамоамизнинг ҳар бир ўйинида жон куйдириди. Унинг бошқа футболчилардан аққол ажралиб турган жиҳати шу. Унинг бу фидойилиги эътиборсиз қолмас керак.

Камчилиги: Гоҳида Виталийга тезлик етишмай қолди. Натижада терма жамоамиз дарвозаси олдида хавфли вазиятлар юзага келди.

ИККИНЧИ ДАЪВОГАР — ИГНАТИЙ НЕСТЕРОВ

Шу кунга қадар унинг бирор марта йил ўйинчиси бўлмагани ажаблантиради. Ваҳоланки, шундай мавсумлар бўлганки, майдонда Игнатийдан кўра тузукроқ ўйнаган футболчилар бўлмаган.

Устунлиги: Етакчилик қобилияти аъло даражада.



Химоячиларни тинимсиз хушёрликка чақириб туради. Баъзан терма жамоа сардори у бўлиши керак, деган хаёлга боради киши. Реакцияси тез, термаимизнинг қатор ўйинларида ишончли ҳаракат қилди. «Бунёдкор» сафида чемпион бўлди. Агар жароҳатланиб эрта сафдан чиқмаганда, Иордания билан плей-офф беллашувиде катта ёрдами тегиши мумкин эди.

Камчилиги: Нестеровнинг жаҳон даражасидаги дарвозабон бўлишига битта камчилиги халақит бераётгандек, назаримизда. Бу — унинг бўйи. Севимли дарвозабонимизнинг бўйи 182 сантиметр. Аслида, бундай бўй билан киши фахрланиши керак, лекин футбол дарвозабони учун у салгина камлик қилади. Солиштириш учун жаҳоннинг топ-дарвозабонларининг бўйини келтирамиз: Мануэл Нойер, 193 см., Жанлуижи Буффон, 191 см., Питер Чех, 197 см. Бу борада Нестеровга «энг яқин турадиган» посбон Касилясдир — 185 см. Лекин Игнатий чаққонлиги ва баланд сакрай олиши билан бу камчилигини кўп ўйинларда ёпа олади.

УЧИНЧИ ДАЪВОГАР — САРДОР РАШИДОВ

Устун томонлари: Сардор терма жамоа таркибида мавсум сўнгига келиб дебют қилди. Вьетнам терма жамоасига қарши мушкул вазиятда ўйинга қўшилди ва жарима майдони ташқарисидан кучли зарба йўллаб, ҳисобни очди. Жамоамизнинг кейинги ўйинларида ҳам ишончли ва ёрқин ҳаракат қилди.

Имконияти: Сардор клубда йил давомида яхши ўйнади, бироқ терма жамоа, барибир терма жамоа. Унинг бор-йўғи учта учрашувдаги ажойиб ҳаракатлари билан йил ўйинчиси бўлиши бироз душвордек. Аммо бу ҳолат умуман тескари натижа бериши ҳам ҳеч гап эмас. У жамоанинг жаҳон чемпионати саралаш ўйинларидаги муваффақиятсизлигида «иштирокчи» эмас. Шу омил ҳамкасбларимизнинг унга овоз беришига туртки бўлган бўлиши мумкин.

ЖАҲОНДА

Кейинги пайтларда йил ўйинчисини аниқлашда футболчининг шахсий кўрсаткичлари асосий эътиборга олинапти. Ўтган йили Европа чемпионлар лигаси ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган «Челси»нинг бирорта ўйинчиси эмас, йил давомида 91 та гол урган Лионел Мессининг «Олтин тўп»ни олгани бунга мисол. Масалага шундай ёндашсак, бу йил жароҳат олгунига қадар 67 та тўп киритган Криштиану Роналдунинг имконияти юқори бўлиши керак. Лекин шундай бўлармикан?..

Биринчи даъвогар — Лионел Месси

Аргентиналик юлдуз бу йил фақат Испания чемпионати ва суперкубогида зафар кучди. Мамлакат чемпионатидаги тўпурарлиги туфайли яқинда «Олтин бутса» билан сийланди.

Устунлиги: «Барселона»да унинг ўрни жуда юқори. Мана, кейинги бир ойни олинг. У жароҳатланиб сафдан чиқди ва испан клуби икки марта майдонни мағлуб ҳолда тарк этди. Очиғи, Мессининг бошқа устун жиҳатлари ҳақида сўз айтиш ортиқча.

Имконияти: Шер жароҳатланса ҳам шерлигича қолади. Месси оёғидан шикастланиб, ҳозир даволанаяпти. Кўп ўйинларда иштирок этолмаяпти. Бироқ уни назардан четда тутишнинг иложи йўқ. У формада экан, «Олтин тўп»га асосий номзод бўлиб қолаверади.

Иккинчи даъвогар — Криштиану Роналду

Устунлиги: «Манчестер Юнайтед» собиқ бош мураббийи Алекс Фергюссон у ҳақда шундай деган эди: «Роналдунинг танқид қиладиганлар унинг қандай машқ қилишини кузатишлари керак». Баъзилар Роналду муваффақиятларини машқлар маҳсули, дейди. Тўғри, уларнинг ҳам, Фергюссоннинг ҳам гапида жон бор. Лекин, айтинг-чи, нега тинимсиз тер тўқадиган бошқа футболчилар ҳам унингдек ютуқ-

ларга эриша олмайди? Демак, ҳаммаси истеъдодга боғлиқ экан. Шунинг учун Роналду ҳақида айтиладиган «машаққатли меҳнат туфайли шу даражага эришган» деганга ўхшаш гапларни кўшимча фикр сифатида қабул қилиш лозим.

Имконияти: Бу Роналдунинг «Олтин тўп» учун энг охири ажойиб имконияти бўлиши мумкин. Негаки, 2014 йил жаҳон чемпионати бўлиб ўтади, унда ким чемпион бўлса, «улоқ» ўшаники бўлиши эҳтимоли катта. Португалия эса унда асосий фаворит бўлмас керак. 2015 йил эса Роналду ўттиз ёшда бўлади. Ҳолбуки, унинг ортида Месут Ўзил, Томас Мюллер, Неймар каби бўлажак даҳолар етишиб келаяпти. Ўйлашимизча, бу училик жаҳон футболининг ўша пайтдаги етакчилари бўлади. Ҳозирча эса...

Учинчи даъвогар — Франк Рибери

«Бавария» бу йил «тутун чиққан» ҳамма жойда ҳозир у нозир бўлди: деярли барча совринни ютиб олди (ҳозирча). Унинг таркибидаги футболчиларнинг ҳар бири, аслида, «Олтин тўп»га муносиб. Жумладан, Рибери ҳам.

Устунлиги: Клубда муваффақиятларга эришди. Асосий сиймо бўлди. Ҳар йилгидан ўзгача мавсум бўлганини унинг ўзи ҳам кўплай интервьуларида таъкидлади.

Имконияти: Франкни ҳам худди Месси ва Роналду сингари бир нарса қийнайди: улар терма жамоалари сафида айтирли ютуққа эриша олишмаяпти. Хусусан, бу йил Франция терма жамоаси жаҳон чемпионатида зўра «илинди». Рибери эса, унда асосий ишни бажарди, дейиш қийин. Овоз бераётганда бу омилга ҳам эътибор қаратилганини тахмин қилиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Билал (Риберининг иккинчи исми) бу йил бу нуфузли мукофот учун курашда ёшроқ ҳамкасбларига ютқазса керак.

ХУЛОСА

Энг яхши бўлиш ҳаммининг қўлидан келади, лекин «Олтин тўп», афсуски, битта.

Умид қиламизки, у ўзининг муносиб эгасини топади.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Yoshlar va ma'naviyat

Эзгуликка етаклаб, юксакликка чорлайди

Китобга ошнолик ҳар бир одамни эзгулик бекатига етаклайди, юксаклик сари чорлайди. Кўнгилдаги ёмонлик ўрнини яхшилик эгаллашига туртки бўлувчи манба ҳам китоб. Бу беминнат ҳамроҳ ҳақида ҳар қанча гапирсак, оз.

Кутубхоналарнинг қиёфаси ҳақида гап кетганда, унинг барча ижобий ўзгаришларида Президентимиз ғамхўрлиги яққол сезилиб туради. Юртимиздаги қай бир кутубхонага борманг, у ердаги шарт-шароитдан кўнглингиз тўлади. Ранг-баранг китоб оламига кириб борар экансиз, ўзингизни маънавийат уммонига сузиб юргандай ҳис қиласиз.

Юртбошимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини Ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 23 февралдаги «2011-2015 йилларда ахборот-комму-

никация технологиялари негизида Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти ахборот-кутубхона маркази томонидан «Сатрда ҳаёт» мавзуида очиқ эшиклар куни ўтказилди.

Вилоятдаги ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини ахборот-кутубхоналар фаолияти билан таниш-

тириш, ёшларни кутубхоналарга кенг жалб қилиш ва ахборот-кутубхоналарнинг бугунги моддий-техник ҳолатига муносабатларини ўрганиш мақсадида ўтказилган очиқ эшиклар кунида вилоят ёзувчилар уюшмаси вакиллари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, «Камолот» ЁИХ фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди. Тадбир давомида иштирокчилар Жиззах вилояти ахборот-кутубхона маркази бўлимлари ва уларнинг вазифалари, адабиётлар базаси билан яқиндан таништирилди.

Очиқ эшиклар куни дастури доирасида «Сатрда ҳаёт» мавзуида давра суҳбати ташкил этилиб, унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар маънавий дунёқараши ва камолотидаги ўрни», «Китобсеварлик ва адабиёт-

нинг ёшлар маънавий камолотига таъсири», «Ахборот-кутубхона марказларининг бугунги кундаги моддий-техник базаси ва уларга ёшларнинг муносабати», «Бугунги ахборотлашган жамиятда китоб ва адабиётга ёшларнинг муносабати» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Давра суҳбати Ҳаракат тизимида фаол иштирок этаётган ёш ижодкорларнинг китоблар тақдими маросими билан якунланди. Унда Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Умида Нишоннованинг «Ўзбек халқ эртаклари» деб номланган китоби кўпчиликда ҳавас уйғотди. Китобда эртакларнинг ўзбекча матни ҳамда инглизча таржимаси берилган.

**Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири**

Устозлар билими ва ёшлар шижоати

Bugun o'quvchi — ertaga mutaxassis

Бувайда тумани агросаноат касб-хунар коллежи ёшлар билан гавжум таълим муассасаларидандир. Айни кунда 2363 нафар ўқувчи таълим олаётган мазкур таълим масканида 140 нафарга яқин устоз ёшларга етти йўналишда касб-хунар сирларини ўргатапти.



Коллеж педагогик жамоасининг асосий қисми ёшлардан иборат. Уларнинг ўз йўналишларида билимларини доимий ошириб боришлари, педагогик маҳоратларини мустаҳкамлашлари учун устоз-шогирдлик аънаналари йўлга қўйилган. Жумладан, математика фани ўқитувчиси Гулчехраҳон Иброҳимова, тарих фани бўйича Муқаддасхон Аюбжонов, махсус фан ўқитувчилари Мавлудхон Жўрабоева ва Саидахон Қориева каби кўп йиллик педагогик тажрибага эга устозлар ўз билим ва тажрибалари билан ўртоқлашишяпти.

Ўз ўрнида ёшлар ҳам таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича салмоқли ишлар қилишяпти. Йўлдошлари Салимов, Шухратжон Абдураззоқов, Муҳайё Отақўзиева, Дилрабо Низомова ва Азизбек Қодиров каби янгиликка интилувчан ёш ўқитув-

чиларнинг бу борадаги ишлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатса арзийди.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли банд этиш мақсадида 13 та фан, 7 та махсус фан тўғрақлари ва 12 та спорт секцияси фаолияти йўлга қўйилган. Инглиз тили, хуқуқшунослик, тикувчилик тўғрақлари ва футбол, теннис, баскетбол ва шахмат бўйича спорт секцияларига ўқувчиларнинг қизиқиши катта.

**Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.**

СУРАТДА: математика фани ўқитувчиси Гулчехраҳон Иброҳимова ва тарих фани ўқитувчиси Муқаддасхон Аюбжонов ёш ўқитувчилар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашяпти.

Ёнғундан эҳтиёт бўлинг!

Mutaxassis ogoh etadi!

Совуқ бошланиши билан айримлар газ духовкалари ёки қандайдир қўлбола мосламалар орқали ўз хонадонларини иситишади. Аммо бундай ҳолатларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик нохуш оқибатларга олиб келиши барчамизга аён. Уларнинг олдини олиш, авваламбор, ўзимизга боғлиқ.

Ўлкамизга қиш кириб келган бўлишига қарамай, ҳали қорли кунлар бошлангани йўқ. Шундай пайтда йўл ёқаларида йиғилиб қолган хазонларнинг бурқсиб тутаётганига кўзимиз тушади.

Хазон уюмларининг остидаги барглари нам бўлгани боис, узоқ вақт тутади. Бундан уйда ёлғиз қолган

фарзандимиз ёки кўчада ўтиб кетаётган болалар кўриб қолиши ва хазонни ёндиришга уриниб кўриши мумкин. Нима бўлганда ҳам, бола бола-да, атрофидаги ҳолатларга, оқибатини ўйламай туриб, тақдир қилишга ҳаракат қилади.

Шу каби муаммоли вазиятлар нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати хо-

димлари, балки ҳар бир фуқарони сергаклантириши керак, албатта. Шундагина болалар ва ўзимизнинг хавфсизлигимизни таъминлашда ижобий натижага эришган бўлаемиз.

Ўз навбатида, ота-оналар ва умуман, катталар ҳушёр бўлиб, болаларнинг ёнғин билан ўйнашига йўл қўймасликлари, шундай ҳолатларни кўриб қолган фуқароларимиз эса бепарқ ўтмай, болаларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтирмоғи лозим. Бу ишга ҳаммамиз масъулият билан ёндашсак, ҳаётимизни турли кўнглисизликлардан асраган бўлаемиз.

**Шухрат УМАРОВ,
28-ҲЕҲҚ кичик инспектори**



ЭНГ СОВУҚ ЖОЙ

Япониянинг Антарктидада жойлашган «Фудзи гумбази» станцияси атрофида ердаги энг совуқ ҳаво қайд этилди.

Янги рекорд цельсий шкаласи бўйича 91,2 даража совуққа тушди. Бу маълумот сунъий йўлдош орқали олинди. Бундан олдинги рекорд 1983 йилда Антарктидадаги «Восток» станциясида қайд этилган эди. Ушанда ҳарорат цельсий шкаласи бўйича 89,2 даража совуққа тушгани қайд этилган. «Фудзи гумбази» қитъада энг баланд нуқтада жойлашган бўлиб, у денгиз сатҳидан 3786 метр баландликда жойлашган.

Янгиланиш сари

«General Motors» автоконцерни 2015 йил сўнгига қадар Европа минтақасидаги «Chevrolet» савдосини тўхтатишини эълон қилди.

Аниқроғи, автоконцерн эндиликда Европа бозорига ўз маҳсулотларини «Opel» ва «Vauxhall» брендлари остида киритади. «Chevrolet» брендидаги моделлар эса фақат Бразилия, Мексика ва МДҲ давлатларига сотилади. Корпорация вакиллари сўзларига қараганда, шу вақтга қадар «Chevrolet» моделлари билан Европани Жанубий Корея таъминлар эди. Эндиликда 700 миллион АҚШ долларидан бир миллиард долларгача бўлган лойиҳада «GM» қитъанинг 1900 та дилери билан яқма-яқка музокара олиб боради.

Энг яхши мураббий аниқланади

FIFA йилнинг энг яхши мураббийлигига номзодлар номини эълон қилди.

Барчадан кўп овоз тўплаган кучли учлик — Алекс Фергюссон, Юпп Хайнкес ва Юрген Клопп бўлди. Айни пайтда Алекс Фергюссон, Юпп Хайнкес фаолиятини тугатган бўлса-да, Юрген Клопп «Боруссия» клубини бошқариб келмоқда. Фолиблар номи терма жамоалар бош мураббийлари, сардорлар ва журналистлар томонидан овоз бериш йўли билан аниқланади. Энг яхши мураббий келаси йил 13 январда Цюрих шаҳрида эълон қилинади.

Об-ҳаво инжиқликлари

Европа минтақасида бўлаётган тўфон сабабли Швеция, Польша, Дания ва Буюк Британияда қурбонлар сони кескин ошмоқда.

«Ксавер» деб ном олган тўфон туфайли одамлар сувда, қулаган дарахтлар остида қолиб ҳалок бўлмоқда. Айни пайтда Польшада 400 минг, Швецияда 50 минг ва Германияда тўрт минг оила электр тоқисиз қолган. Шимолий ва Марказий Европада бир неча минг самолёт рейслари тўхтатилди. Шотландия ва Германияда темир йўл поездлари қатнови вақтинча бекор қилинди. Нидерландияда сув сатҳи жуда тез кўтарилмоқда. Синоптиклар тез орада об-ҳаво яна ўз изига тушишини башорат қилишди.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида Президентимизнинг «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонида биноан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларга фахрий унвон орден, медаллар, шунингдек, «Қамолот» ЁИХ МК қарорига кўра, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

СУРАТДА: (чапдан) Давлат мукофотлари совриндорлари Билолиддин Шаробиддинов, Олимжон Тўйчиев, Аббор Пирнапасов, Хуршидбек Раҳмонов.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган сурат

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

КОНСТИТУЦИЯ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — Бош Қомусимиз ва унинг жамиятда тутган ўрни бекиёс эканлигини, шунингдек истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқ-манфаатлари ва эркинликларини таъминлаш, халқимиз турмуш тарзини яхшилаш ва мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани, Конституциямизнинг юртимиз осойишталиги ва фаровонлиги, мамлакат ривожини ва барқарор тараққиётидаги аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдирди. Шундан сўнг 15-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фаол ўқувчилари бадий чикишларни намойиш этишди.

Сарвиноз АМИНБОЕВА,
Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси

Жиззах вилоятидаги туман	→						Кўмир ранги	→			
Кўникма, иш тажрибаси		Ишсиз, юмушсиз		Кўшиқчи, хофиз		Минерал ўғит		Қад-... гавда	АҚШ штати		Хунук, бадбашара
				Аввал... баязда калом		Мирқарим (адиб)					Ит хурақ, қарвон...
Аммо, бироқ		Ўймачи савдогар	→					Ишнинг... и йуқ	Очнинг акси	→	
						Бўрттирма гап	→				
Капур (актриса)		дармон	→					Соч қуритиш ускунаси		Моданинг жуфти	→
Жабру жафо, азоб	→					Пейзаж, табиат кўриниши	→				

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Бу йил Конституциямизнинг 21 йиллиги мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда ҳам муносиб кутиб олинди.

ЗУККО ЁШЛАРНИНГ ТЕЗКОР ЖАВОБЛАРИ

Байрам арафасида лицей ўқувчилари ташаббуси билан «Конституция — бахтимиз қомуси» деб номланган байрам дастури ташкил этилди. Унда лицей ўқувчиларидан иборат жамоалар Конституцияга оид мавзулар бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди. Берилган шартлар якунига кўра, «Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» жамоаси аъзолари энг билимдон ўқувчилар деб топилди.

Манзура ХАМДАМОВА,
ТошДШИ қошидаги Юнусобод хорижий тиллар академик лицейи ўқитувчиси



Полвонлар мусобақаси

Жорий йилнинг 12-16 декабрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган катталар ўртасидаги IX жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

«Сиёвушпошо» спорт мажмуасида ўтказилган беллашувларда беш қитъадан келган уч юз нафардан ортиқ полвон ғолиблик учун куч синашади. Унда юртимиз шарафини бош мураббий Баҳодир Бердикулов шогирдлари — Баҳриддин Исмоилов, Сухроб Худойбердиев, Фаёз Файзуллаев, Санжар Тўхташев, Бектош Сафаров, Илҳом Жўраев, Зафар Бўриев, Марс Маҳмудов, Фазлиддин Мейлиев, Нодира Гулова, Шоҳида Назарова, Юлдуз Эркаева, Дилшода Исроилова, Мафтуна Эсонова, Дилфуза Темирова каби спортчиларимиз ҳимоя қилишади.

Каратэчиларимиз муваффақият қозонишди

Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган катталар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси вакиллари совриндорлар қаторидан ўрин эгаллади.

Мусобақада 32 мамлакатдан беш юзга яқин спортчи иштирок этди. Турнирда Садриддин Сайматов Шри-Ланка, Ҳиндистон, Кувайт ва эронлик спортчиларни мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди. Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақаларда эса Барно Мирзаева Ҳиндистон, Иордания, Хитой Тайпеи ва қозоғистонлик каратэчиларни енгиб, қитъа чемпиони бўлди. Шунингдек, яна икки нафар спортчимиз Беҳзод Турғунов ва Абдулазиз Отабоев кумуш медалларга сазовор бўлди.

Жавоҳир ҚАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

BILASIZMI?

Тўлиқ номи Абу Ҳамид Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сағоний ал-Астурлобий бўлган, геометрия ва астрономияда замонасининг билимдони саналган аждодимиз ҳақида ҳамма ҳам билмас керак.

Аҳмад Сағоний ўрта аср манбаларида Сағоний, форс манбаларида эса Чағоний деб юритилган жой (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри атрофлари)да дунёга келган. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига баъзи йиллар ва даврларни аниқлашда унинг ҳисобларидан фойдаланганини ёзади.

Аҳмад Сағонийнинг геометрия ва астрономияга оид салмоқли асарлари дунёнинг таникли кутубхона ва музейларида ўз тадқиқотчиларини кутаяпти. Чунончи, «Меридиан чизигини топиш» рисоласи Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида, «Масофалар ва ҳажмлар ҳақида», «Доира ичига жойлаштирилган тўғри тарафли етти бурчакнинг томонини ясаш» асарлари Париж ва Дамашқда сақланади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Боғни боқсанг, боғ бўлур,
Ботмон-ботмон ёғ бўлур.

Ўзбек халқ мақоли